



## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ТАЪСИРИ

Жавлон Каримов Кузиевич

ТДИУ катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хоразм вилоятида Олий таълим тизим фаолиятининг таҳлили, унинг фаолияти ва вилоятнинг камбағаллик даражаси ўзгариш тенденцияларига иш ҳақи ҳамда иқтисодиётда бандлик даражасининг таҳлили баён этилган.

**Калит сўзлар:** олий таълим, камбағаллик даражаси, ишсизлик, номинал иш ҳақи, минимал истеъмол харажат.

**Abstract:** This article describes the analysis of higher education system activity in Khorezm region, analysis of its activity and trends of change in poverty level of the region, salary and employment level in the economy.

**Key words:** higher education, poverty rate, unemployment, nominal wages, minimum consumption expenditure.

**Аннотация:** В данной статье описывается анализ деятельности системы высшего образования Хорезмской области, анализ ее деятельности и тенденции изменения уровня бедности региона, заработной платы и уровня занятости в экономике.

**Ключевые слова:** высшее образование, уровень бедности, безработица, номинальная заработная плата, минимальные потребительские расходы.

Иқтисодий самарадорликни тушунишнинг классик ёндашувларини, шунингдек, юқорида муҳокама қилинган ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, биз олий таълимда ушбу тушунчани олий таълим муассасалари фаолиятининг иқтисодий натижаларининг унинг моддий ва номоддий активларига нисбати сифатида белгилашни таклиф қиламиз. Олий таълимда иқтисодий самарадорликни таҳлил қилиш усуллари бағишланган кенг кўламли назарий ва эмпирик тадқиқотлар орасида учта асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Улардан биринчиси таълимга сарфланадиган харажатлар самарадорлигини таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий манфаатдор томонлари(инвесторлари) хусусий шахслар ва таълимга харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилувчи давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари ҳисобланади.

Иккинчиси- олий таълим муассасаси рақобатбардошлиги учун бевосита масъул бўлган ҳудудий олий таълим муассасаси ёки олий таълим муассасаси фаолияти самарадорлигини бошқарув мақсадлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш. Олий таълимнинг ҳар қандай ички ёки ташқи манфаатдор томонлари унинг самарадорлигини таҳлил қилишда амалга ошириши мумкин бўлган





учинчи йўналиш олий таълим ресурсларидан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ инсоний, молиявий ва бошқа йўқотишларни баҳолашни ўз ичига олади. Энг кенг тарқалган ва услубий жиҳатдан юқори бўлган олий таълимнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишнинг биринчи йўналиши бўлиб, у инсон капиталига инвестициялардан иқтисодий фойда кўрсаткичларига асосланади.

Айнан инсон капитали назариясида таълимнинг шахс даромадларига, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликка таъсирини таҳлил қилиш мумкин. Ушбу йўналишда иқтисодий самарадорликни олий таълим учун ҳақиқий потенциал фойда ва харажатлар нисбати сифатида тушуниш ҳамда классик усулда тегишли харажатлар-фойда таҳлили усулини қўллаш мумкин. Олий таълим самарадорлигини эмпирик таҳлил қилиш методологиясига кўра, инсон капиталининг таълим компонентида инвестициялар, агар келажакдаги даромаднинг жорий қиймати харажатлардан катта ёки тенг бўлса, оқланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2011 — 2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш доирасида 25 та олий таълим муассасасининг 202 та объектида янги қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди. Иқтисодиётнинг реал сектори талабларидан келиб чиқиб, муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қурилиш йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича ўқишга қабул қилиш, унинг умумий сонига нисбатан 23 фоиздан 33,2 фоизга ошди. Олий таълим соҳасида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича янгиланган давлат олий таълим стандартлари ва ўқув дастурлари жорий қилинди.

Шунингдек, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>46</sup>ги қарор қабул қилинди. Бу эса ўз навбатида олий таълим тизимининг камбағалликни қисқартиришда ўз самарасини бермоқда.

Ҳозирги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқда-ки, Олий таълим харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши сифатида анча юқори бўлишига қарамай, уларнинг Ўзбекистон Республикасида тақсимланиши олий ўқув юртларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли мақсадларига

<sup>46</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3171590>








йўналтирилмаганлиги ва талабаларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш, илмий фаолият сифати ҳамда жалб қилинган нодавлат илмий грантлар миқдори каби мезонларни ҳисобга олинмаганлигида намоён бўлмоқда.


Албатта, Олий таълим муассасалари бакалавриятини битирувчилар сонини ошиши ўз навбатида Хоразм вилоятининг иқтисодиётда бандлар сонини ошишига олиб келди. Хусусан, 2000 йилда Хоразм вилоятининг иқтисодиётда бандлар сони 663,9 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 2000 йилга нисбатан 391,6 минг нафарга ошиб 1055,5 мингтага етди. Албатта, аҳолининг бандлик даражасини ўсиши вилоятда аҳоли даромадини ошишига ва ўз навбатида аҳолининг камбағаллик даражасини камайтиришга ҳисса қўшади (1-расм).




**1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг кам таъминланганлик(камбағаллик) даражаси**

1-расмда келтирилган маълумотларга асосан 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг кам таъминланганлик(камбағаллик) даражаси мос равишда 28,8 % ва 37,3 %ни ташкил этган. Бу эса ўз навбатида Хоразм вилоятида камбағаллик даражаси Республика даражасидан 8,8 % юқори эканлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб, кузатилаётган даврда Хоразм вилоятида авваламбор, ишсизликнинг Республика бўйича жами даражаси(0,4 %)дан (Хоразм вилояти 0,5 %) юқорилиги, реал иш ҳақининг Республика миқёсидан 7,3 % камлиги(2000 йилда Хоразм вилоятида 301927,3 сўмга тенг бўлган) деб қараш мумкин.

Бугунги кунда ҳар қандай жисмоний шахснинг иш ҳақи камбағаллик даражасини камайтиришга ёки уни оширишга асосий сабаб бўлиб, у аҳолининг моддий аҳволини яхшилашнинг муҳим омили бўлиб, натижада аҳоли турмуш фаровонлиги ва турмуш даражасига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан[1-10] иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошириш билан боғлиқ қарор ҳамда фармонларни чиқарилиши ушбу соҳада олиб борилаётган ижобий ишлар сирасига киради (2-расм).





**2-расм. Ўзбекистон Республикасида ўртача номинал иш ҳақи ўзгариши**

Ўзбекистон Республикасида ўртача номинал иш ҳақи ўзгаришига эътибор қаратадиган бўлсак, 2010 йилда Республика бўйича 325774,1 сўмга тенг бўлган бўлса, ҳукуматимиз томонидан амалга оширилган ижобий ишлар натижасида 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 2336228,7 минг сўмга ошиб 2662002,8 сўмга етганлигини кўриш мумкин.


Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, иқтисодиёти ривожланган Европа мамлакатларида энг кам иш ҳақи даражаси мамлакат бўйича ўртача 35-40% (бизда 33,4 %), энг юқори яшаш минимуми учун эса 10-15% қилиб белгиланган. Мамлакатимизда эса энг кам иш ҳақи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 майдаги ПФ-138-сонли фармони билан 920,0 минг сўм қилиб, белгилангани ва Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йил учун минимал истеъмол харажатларининг янги миқдори 13,2 фоизга ошиб, **498 минг сўмни** ташкил этган[2]лигини эътиборга оладиган бўлсак, яшаш минимумидан энг кам иш ҳақи 1,85 баробар кўп эканлиги маълум бўлади. Бундан эса ўз навбатида иш ҳақи билан камбағаллик ўртасидаги боғланиш ва ўзаро ўзгаришларини кузатиш мумкин.

Бундай ҳодиса нафақат ижтимоий муаммо, балки макроиқтисодий кўрсаткичларда ҳам иқтисодий муаммодир, лекин ялпи ички маҳсулотнинг ўзи, ишсизлик даражаси, инфляция индекси ва реал иш ҳақи ўзгаришида намоён бўлади. Бунинг учун Хоразм вилоятида иш ҳақи ва камбағаллик даражаси бўйича статистика маълумотлари динамикасини кўриб чиқамиз (3-жадвал)

**3-жадвал**

**Хоразм вилоятининг ўртача номинал иш ҳақи ва камбағаллик даражаси кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	2010 й.	2015 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши (-, +)
Ўртача номинал иш ҳақи	321790,8	952914,2	2186248,5	2580373,6	2258582,8








Камбағаллик даражаси	18,4	13,7	11,4	16,2	-2,2
----------------------	------	------	------	------	------

2010 йилда Хоразм вилоятининг ўртача номинал иш ҳақи ва камбағаллик даражаси кўрсаткичлари мос равишда 321790,8 сўм ва 18,4 фоизга тенг бўлган. 2021 йилга келиб ўртача номинал иш ҳақи 2010 йилга нисбатан 8,02 баробарга ошиб 2580373,6 сўмга ва камбағаллик даражаси 2,2 фоизга камайиб 16,2 фоизни ташкил этган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бутун дунёда рўй берган пандемияга қарамай Хоразм вилоятида камбағаллик даражасини нафақат қисқаришига балки, Республика бўйича кўрсаткичлардан ҳам 2020 йилда 0,1 фоизга, 2021 йилда 0,8 фоизга камайтиришга эришганлигини таъкидлаш мумкин. Хоразм вилоятининг бандлик даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, Республика миқёсида солиштирганда фарқли жиҳатларини кўриш мумкин



#### 4-расм. Хоразм вилоятининг ЯХМ ҳажми ва иқтисодиётда бандлар сонини ўзгариши

4-расмда келтирилган маълумотларга кўра ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш графиги 2010-2021-йилларда экспоненциал ўсишга эга эканлигини кўриш мумкин. Иқтисодиётда бандлар сони эгри чизиққа эга бўлиб, бу ўз навбатида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда бандлар сонига тўғри боғланганлигини ифода этади. Бундан кўринадики, ҳаётийлик чуқурлиги воситачи дисперсиясининг ўзгариши билан ўзгаради ва даромаднинг бошқа ўзгариши билан пастроқ қийматни кўрсатади.

Бундан ташқари, Хоразм вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Хоразм вилоятининг ЯХМ ўзгаришига эътибор қаратилса, 2010 йилда 2888,6 млрд. сўмга тенг бўлиб, бу даврда иқтисодиётда бандлар сони 606,7 минг нафарни ташкил этган.

Хоразм вилояти аҳолисининг турмуш даражаси ўртасидаги тафовутнинг ўсиши ва қонун чиқарувчи томонидан тасдиқланган яшаш минимуми мутлақ турмуш даражаси ўртасидаги ўсиш тақдири билан белгиланганлигини ифода этади. Сўнгги йилларни таҳлил қилиб, шунини айтиш мумкинки, Хоразм вилояти аҳолисининг қашшоқлик даражаси камайишининг ижобий тенденциясига эга ва бу мамлакатдаги ижобий ижтимоий-иқтисодий тебранишлардан далолат беради.

Умуман олганда, камбағаллик даражасининг пасайиши Барқарор иқтисодий ўсиш фонидан нисбий бандликнинг ўсиши даромадларни тақсимлашдаги ижобий





ўзгаришлардан далолат беради, бу эса камбағаллик мониторингининг барча йиллари давомида бунга эришиб бўлмаслигини белгилайди. Расмий равишда тасдиқланган яшаш минимуми асосида ҳисобланган камбағаллик даражаси Республика миқёсида 0,8 фоизга камайди ва 16,2 фоизга тушди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик популяциялардаги бундай тебранишларни бир маънода талқин қилиб бўлмайди, чунки улар статистик хатолар даражасига яқинлашади. Нисбатан камбағаллик кўрсаткичлари қарама-қарши йўналтирилган тенденцияларни кўрсатади, шунинг учун миллий мезон бўйича (жами харажатларнинг медианасининг 75%) камбағаллик даражаси 0,3 фоиз пунктга, мезон бўйича эса эквивалент шкаладан фойдаланган ҳолда камайиши кузатилди. Бу эса ўз навбатида аҳолининг катта қисми номинал даромадларининг ўсиши, аҳоли бандлиги ва олий таълимга қамров чегарасини ошириш орқали ёшларни бандлигини таъминлаш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш, энг асосийси мамлакатда олий маълумотлилар улушини ошиши натижасидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-138-сон. 20.05.2022 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-128-сон. 30.04.2022 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-6279-сон. 17.08.2021 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. ПҚ-4938-сон. 30.12.2020 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-6039-сон 30.07.2020 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. ПҚ-4555-сон. 30.12.2019 й.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-5723-сон 21.05.2019 й.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-5553-сон 13.10.2018 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-5469-сон 02.07.2018 й.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-4751-сон 26.08.2015 й.
11. Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатлари миқдори 498 минг сўм этиб белгиланди. / 9 январ 2022, 10:37 gazeta.uz>uz/2022/01/09/min-cost/

